

1833 йили Оренбург харбий губернатори В. А. Перовскийнинг топшириги билан Оренбургдаги Неплюев харбий билим юртида араб, форс, татар тиллари муаллими бўлиб ишлаётган Петр Иванович Демезон Бухорога юборилди. Бу одам асли италиялик бўлиб, Сардинияда тугилган эди. У Русияга кандок келиб колгани номаълум бўлса-да, кейинчалик у рус фукаролигини кабул қилган. Унинг Бухорога тўрт ойлик сафаридан мақсад «Ўрта Осиё вилоятларида содир бўлаётган хамма нарсалар хақида ишончли ва батафсил маълумотлар тўплаш» эди. Бу борада Петербургдаги чор ҳукуматининг Афғонистон ва Хиндистон орқали келаётган инглиз молларининг Ўрта Осиё бозорларида рақобатбардорлиги кучаяётганидан, умуман чет эл агентурасининг бу ердаги фаоллиги ортаётганидан ташвишга тушаётгани хам ана шу сафарга туртки бўлгани аниқ эди.

Демезон Бухорога татар муллеси Мирза Жаъфар номи остида бухоролик тожир Ниёз Мухаммаднинг савдо қарвони билан жўнатилди. Бухороликлар асосан суннийлар бўлгани учун сунний мулла Жаъфар никобидаги Демезонга барча масжид ва мадрасаларнинг эшиги ланг очиб қўйилди ва бу шаҳарнинг барча таникли кишилари билан танишиш ва Бухоро муллалари билан илмий мунозара олиб бориш имконини берди. (Б. Лунин, «История Узбекистана в источниках», Ташкент, 1990 г.).

Хозиргача никоби ва номини ўзгартирган, аммо мақсадлари эскича қолган яна қанчалаб демезонларнинг ирқит қадами табаррук ерларимизни топташдан тўхтагани йўқ.